

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси
(автомобиль транспорти) бакалавриат таълим йўналишининг малака
талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти;
- Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил « 18 » 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5620100 –Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.2. 5620100 –Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг	4
2. 5620100 –Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2. 5620100 –Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	6
3. 5620100 –Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.2. 5620100 –Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	9

1. 5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, яқиний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) бериледи.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ малака даражаси

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистан Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудири);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналиши - фан ва техника соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб у халқаро тажрибаларга мувофиқ автомобиль транспортидан унумли фойдаланишга, транспортда логистик жараёнларни ташкил этиш ва уни таъминлашга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари ва йўллари мажмуини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмалари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объекти:

- автотранспорт воситалари;
- мулкчиликнинг барча турдаги автотранспорт корхоналари;
- халқаро магистралларда юк ва йўловчиларни ташишга мўлжалланган юк ташиш терминаллари;
- логистика марказлари;
- транспорт департаментлари;
- илмий, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва муассасалари;
- ўрта махсус, касб-хунар коллежлари.

5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- транспорт логистикасининг асосий тамойилларини қўллаш;
- автомобиль транспорти воситалари ишини ташкил этиш ва бошқариш;
- юк ташишда логистиканинг замонавий хизмат турларидан фойдаланиш;
- автомобиль транспорти ишига тезкор раҳбарлик қилиш;
- автомобиль транспортда юк ва йўловчиларни ташиш ишларини ташкил этиш;
- юкларни ортиш ва тушириш ишларини ташкил этиш;
- ташиш жараёнида фойдаланиладиган транспорт ва техника воситаларини танлаш;
- турли автомобиль транспорти корхоналарининг, логистик марказларнинг, юк терминалларининг, контейнер майдонларининг ишини ташкил этиш;
- автомобилларда юк ташишнинг ягона технологик жараёнларини ишлаб чиқиш;
- транспорт воситалари ҳаракати жадвалини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;
- ташиладиган юкларнинг яхши сақланишини таъминлаш;
- ташишларни ташкил этиш ва бошқаришга тизимли ёндашув механизмларини татиқ этиш.

1.2.3. 5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- лойиҳавий - технологик;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарувни ўз ичига олади.
- ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида педагогик (касбий таълим йўналишлари учун) ва шу қабиларни

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Бакалаврлар тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим тизими томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашиш имкониятлари

5620100 – Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалавр педагогик тайёргарликдан кейин ўрта махсус, касб–хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида педагогик фаолиятни амалга ошириши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5620100 – Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин куйидаги:

5A620101 – Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) мутахассислиги ҳамда турдош таълим йўналишларининг магистратура мутахассислиги бўйича таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5620100 – Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадрлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиклол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуктаи назарга эга бўлиш;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва қўнимчаларига эга бўлиши

лозим.

Бакалаврлар:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

2.2. 5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- транспорт-ишлаб чиқариш масалаларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ишларида қатнашиш;
- ташиш жараёни технологиясини мукаммаллаштириш натижасида олинadиган иқтисодий фойдани баҳолаш олиш;
- ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамызда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;
- илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;
- мавзу (топширик) бўйича илмий-техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил этиш ва тизимлаштириш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этишда қатнашиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Лойиҳавий - технологик фаолиятида:

- транспорт соҳасида ташиш жараёни билан боғлиқ бўлган объектларни лойиҳалаш;
- транспорт турларининг транспорт-логистик тизимини ишлаб чиқиш;
- ташиш жараёнининг чет эл тажрибалари ва андозаларига асосланиб замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда янги транспорт-технологик лойиҳаларини яратиш;
- транспорт соҳасида самарадор йўналишлар лойиҳаларини яратиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- чет эл тажрибаларига асосланиб намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- транспорт соҳаси объектларида ягона технологик жараёнларини ишлаб чиқиш, юк ва йўловчи ҳамда багаж ташишни ташкил этиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда белгиланган тартибда фаолият кўрсата олиш;
- амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикасида қўлланилаётган илғор технологик тадбирларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш;
- ташишларни ташкил этиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларни белгилаш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга ошириш *қобилиятларга эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- транспорт фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- транспортда ташиш ишлари жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган чора тадбирларни ва ресурсларини режалаштириш;

- ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва мониторингини олиб бориш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ташиш жараёнларини назорат қилиш;
- транспортда ташиш жараёнини хавфсиз ва сифатли бошқариш;
- ташишларни бошқариш жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бажарётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- транспорт воситалари ишини ташкил этишда атроф-мухит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қobiliятларига эга бўлиши керак.

3. 5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва талабаларнинг куйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий-илмий;
- умумқасбий;
- ихтисослик;
- қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда яқуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоқи:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Табиий-илмий фанлар блоқи:

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши;
- табиий-илмий фанларнинг асосий қонунларидан фойдалана олиши, математик анализ ва моделлаш, назарий ва экспериментал тадқиқот методларини қўллай олишни шакллантириши;
- информацияни олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг асосий методлари, усуллари ва воситаларидан фойдаланишни эгалаган бўлиши;
- экологик дунёқараш шаклланган бўлиши, экологиянинг концептуал асосларини билиши;
- муайян билим соҳаси таълим соҳаси учун зарур бўлган математик ва табиий-илмий фанларнинг назарий ва илмий асослари шакллантирилган бўлиши *лозим*.

Умумқасбий фанлар блоки:

- математик ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлари ўртасида илмий ва назарий боғлиқлиқни таъминлаши;
- ихтисослик фанларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;
- умумқасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши;
- умумқасбий вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;
- модели тасаввурларни, тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши;

• талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиши *лозим*.

Ихтисослик фанлар блоки:

- бакалаврият таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;
- тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;
- ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши;
- касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;
- муҳандис даражасида фикрлашни ривожлантириши ва ўз соҳасидаги муҳандислик масалаларини мустақил режалаштириб ечишга қодир бўлган бакалаврни тайёрлаши;
- халқаро тажрибаларга асосланиб, хизматлар соҳасидаги объектлар ва жараёнларни, жумладан амалий дастурлар пакетларини ва математик моделлаштиришнинг элементларини қўллаб, тадқиқот қилиш қобилиятини шакллантиришга кўмаклашиши;
- талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши *лозим*.

Қўшимча фанлар блоки

- талабаларнинг бакалаврият таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;
- меҳнат бозорида рақобатбардошлиқни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;
- касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтани назарнинг барқарорлигини таъминлаши;
- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши *лозим*.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5620100 – Ташишларни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54, соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (қундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 32 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	63 %;
аттестация -	6-7 %;
таътил -	16 %;
малака амалиёти -	15 %;
битирув малакавий иши -	2 – 3 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 12 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми “муҳандислик иши” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича куйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар -	28,7 %;
умумқасбий фанлар -	42,3 %;
ихтисослик фанлар -	23,3 %
қўшимча фанлар -	5,7 %.

**5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси
(автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича таълим
дастурининг тузилиши**

T/p	Ўқув блоклари, фанлари ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1981
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт	128
1.08	Ахборот технологиялари ва жараёнларни математик моделлаштириш	184
1.09	Математика	320
1.10	Физика	180
1.11	Кимё	100
1.12	Назарий механика	141
	<i>Таълим фанлари</i>	74
2.00	Умумқасбий фанлар	2928
2.01	Психология	122
2.02	Мухандислик ва компьютер графикаси	278
2.03	Материалшунослик	140
2.04	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	154
2.05	Транспорт умумий курси	174
2.06	Транспорт тизимининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари	262
2.07	Логистика	310
2.08	Соҳа менежменти ва маркетинги	248
2.09	Транспорт воситалари тузилиши ва назарияси ва автомобиллар	340
2.10	Божхона иши	152
2.11	Интеллектуал транспорт тизимлари	152
2.12	Автомобилларда ташиш жараёнларини моделлаштириш	122
2.13	Автомобиль транспорти корхоналари иктисодийги	120
2.14	Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари	116
	<i>Таълим фанлари</i>	238
3.00	Ихтисослик фанлари	1608
3.01	Автомобиль транспортда юкларни ташиш	316
3.02	Йўловчиларни ташишнинг замонавий технологиялари	256
3.03	Мультимодал ташувлар технологияси	348
3.04	Замонавий логистик технологиялар	256
3.05	Халқаро логистик хизматлар тизими	188
	<i>Таълим фанлари</i>	244
4.00	Кўшимча фанлар	395
	Жами:	6912
	Малакавий амалиёт	1404
	Битирув-малакавий иши	324
	Аттестациялар	864
	Жами:	2592
	ҲАММАСИ:	9504

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модул, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳалари, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профил, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, транспорт воситаси ва унинг тузилиши; автомобиль транспорти воситалари; логистик таъминот; автотранспорт корхоналари; юк терминаллари; транспорт тизими; транспорт узеллари; моддий оқимлар; юк ташиш ҳажми; юк обороти; транспорт воситаси иш унуми; юк ортиш-тушириш ишлари; йўловчилар оқими; йўналишлар тизими; йўналишлар тармоғи; автовокзал; автостанция; автомобиль транспортидан фойдаланиш қоидалари; логистик тамойиллар; логистик тизимлар; омборлар; захира; автомобиль транспорти иқтисодиёти; автомобиль транспортида бошқарув тизимлари; транспорт-логистик тизимлар; ахборот тизимлари; интеллектуал транспорт тизимлари; логистик марказ; эркин иқтисодий зона.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкет автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси
институтини



Ректор _____ проф. А.Рискулов

2018 йил « 4 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитасини

Раис ўринбосарини _____ О.Адилов

2018 йил « 4 » 08

М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта Махсус таълим вазирлигининг
хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг
Ривожлантириш марказини



Директор _____ проф. Б.Раҳимов

2018 йил « 6 » 08

М.

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигини

Бошлиқ _____ Д.Дехқонов

2018 йил « 6 » 08

М.Ў.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини

Ректор _____ проф. М.Расулов

2018 йил « 6 » 08

М.Ў.

Тошкент шаҳар ҳокимияти «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик
жамиятини



Раис _____ М.Валиев

2018 йил « 6 » 08

М.Ў.

5620300 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) ва унинг базасидаги 5А620301 – Транспорт логистикаси, 5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) ва унинг базасидаги 5А620101 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) ҳамда 5620400 – Йўл ҳаракатини ташкил этиш ва унинг базасидаги 5А620102 – Ҳаракат хавфсизли ва уни ташкил (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчи

Ишчи гуруҳ таркиби:

Т/Р	Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси, унвони, иш жойи	Имзо
1.	Саматов Ғ.А.	“Транспорт логистикаси” кафедраси мудури, и.ф.д.,проф. – ишчи гуруҳ раҳбари	
2.	Назаров А.А.	Илмий ишлар бўйича проректор, т.ф.н., доцент - ишчи гуруҳ аъзоси	
3.	Омонов Б.Ш.	“Транспорт логистикаси” кафедраси доценти, и.ф.н. - ишчи гуруҳ аъзоси	
4.	Арифжанова Н.З.	“Транспорт логистикаси” кафедраси катта ўқитувчиси -	
5.	Шоваҳобов Ш.Ш.	Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлиқ ўринбосари - ишчи гуруҳ аъзоси	
6.	Гаибназаров С.Э.	Ички ишлар вазирлиги академияси “Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш кафедраси катта ўқитувчиси - ишчи гуруҳ аъзоси	

Ўқув ишлари бўйича проректор



К.Зияев

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, КУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯ ИНСТИТУТИ КАДР ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ БИЛАН КЕЛИШУВ
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

№ 07 2018 й.

Тошкент автомобил йўлларини лойихалаш, куриш ва эксплуатация институти (ТАЙЛҚЭИ) – кадрлар тайёрловчи бир томондан кадрлар истеъмолчилари ва турдош таълим муассасалари иккинчи томонидан қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун ТАЙЛҚЭИ томонидан тайёланган малака талаблари ва ўқув режалари мазмуни ва таркиби билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатнома туздик:

Бакалаврият таълим йўналишлари:

1. 5111000 - Касб таълими (5341400-Автомобиль йўллари, кўприклар, тоннеллар, йўл ўтказгичлар ва аэродромларни лойихалаш ва куриш)
2. 5111000 - Касб таълими (5313100-Автомобиль транспорти йўл курилиш машиналари жихозларининг эксплуатацияси)
3. 5232900 - Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш (автотранспорт бўйича)
4. 5232900 - Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш (йўл хўжалиги бўйича)
5. 5310600 - Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти бўйича)
6. 5310600 - Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (йўл курилиш машиналари бўйича)
7. 5313100 - Автомобиль транспорти, йўл-курилиш машиналари ва жихозларининг эксплуатацияси (автомобил транспоти бўйича)
8. 5313100 - Автомобиль транспорти, йўл-курилиш машиналари ва жихозларининг эксплуатацияси (йўл курилиш машиналари ва жихозлари бўйича)
9. 5313100 - Автомобиль транспорти, йўл-курилиш машиналари ва жихозларининг эксплуатацияси (ихтисослаштирилган транспорт воситалари бўйича)
10. 5340600 - Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (Кўприклар ва транспорт тоннеллари бўйича)
11. 5340600 - Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (автомобиль йўллари бўйича)
12. 5341600 - Автомобиль йўлларини ободонлаштириш ва архитектура-ландшафт лойихалаш
13. 5340800 - Автомобиль йўллари ва аэродромлар
14. 5341400 - Автомобиль йўллари, кўприклар, тоннеллар, йўл ўтказгичлар ва аэродромларни лойихалаш ва куриш (автомобиль йўллари ва аэродромлар)
15. 5341400 - Автомобиль йўллари, кўприклар, тоннеллар, йўл ўтказгичлар ва аэродромларни лойихалаш ва куриш (кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар бўйича)
16. 5341500 - Шаҳар йўллари ва кўчалари
17. 5620300 - Транспорт логистикаси
18. 5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)
19. 5620400 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш
20. 5630100 - Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автотранспорт бўйича)

21. 53401100 - Қиймат инжиниринги

22. 5310900 - Метрология стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (соҳалар бўйича)

Магистратура мутахассисликлари:

1. 5A313101 - Автомобиль траспорти ва йўл-қуриш техникалари эксплуатацияси (автомобиль траспоти бўйича)
2. 5A313101 - Автомобиль траспорти ва йўл-қуриш техникалари эксплуатацияси (йўл қурилиш машиналари ва жиҳозлари бўйича)
3. 5A313101 - Автомобиль траспорти ва йўл-қуриш техникалари эксплуатацияси (ихтисослаштирилган транспорт воситалари бўйича)
4. 5A340602 - Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (кўприklar ва тоннеллар)
5. 5A340602 - Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (автомобиль йўллари бўйича)
6. 5A341401- Автомобиль йўллари лойиҳалаш ва қуриш
7. 5A341402 - Кўприklar, тоннеллар, йўл ўтказгичлар қурилиши
8. 5A341501 - Шаҳар йўллари ва кўчалари
9. 5A620301 - Транспорт логистикаси
10. 5A610101 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)
11. 5A620102 - Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиш (транспорт турлари бўйича)
12. 5A310607 - Автотранспорт воситаларини синаш.

Юқоридаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи бўйича фанлар сони қисқартирилди, ихтисослик фанлар блокининг ҳажми кўпайтирилди ҳамда Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим тизимидаги турдош ОТМ мутахассисликлари ва кадрлар истеъмолчиларининг билдирган фикр ва таклифлари инобатга олинганлиги, уларнинг замон талабларига мос келиши, шунингдек ушбу бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини битирган мутахассисларнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат бозори талабларига жавоб бера олишини ҳисобга олиб, мазкур малака талаблари ва ўқув режаларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига тасдиқлаш учун тақдим этиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси авомобиль
йўллари Давлат кўмитаси раисини ўринбосари

О.Адилов

Ўзбекистон автомобиль транспорти
агентлиги бошлиғи

Д.Дехқонов

Тошкент давлат техника университети ректори

С.Туробжонов

Тошкент темир йўл муҳандислари
институт ректори

М.Расулов

Тошкент автомобил йўллари лойиҳалаш,
қуриш ва эксплуатация институти ректори

А.Рискулов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори асосида Тошкент автомобиль йўлларини лойihalаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида қайта ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларининг турдош ОТМлари билан
КЕЛИШУВ БАЁНОМАСИ

Тошкент ш.

“ 6 ” 02 2018 й

Қатнашдилар: А.Рискулов - ТАЙЛҚЭИ ректори, К.Зияев - ТАЙЛҚЭИ ўқув ишлари бўйича проректор в.в.б, А.Аблакулов - ТАЙЛҚЭИ ўқув-услуги бўлим бошлиғи, Р.Хақимов – институт сифат назорат бўлим бошлиғи, Н.Мўминжонов – Автомобилларнинг техник эксплуатацияси кафедра мудири, С.Иброҳимов - ТАЙЛҚЭИ ўқув-услуги бўлим етакчи услугиётчиси, “Автомобил йўллари ва аэродромларни эксплуатацияси” кафедраси мудири А.Ўроқов, ТДТУдан: “Геология ва грунтлар механикаси” кафедраси, “Йўл лойиха” корхонасининг етакчи мутахассиси профессор А.Қаюмов, ТТЙМИдан: “Кўприklar ва тоннеллар” кафедраси мудири Ч.Раупов. “Темир йўллар қурилиши ва йўл хўжалиғи” кафедраси мудири А.Абдукаримов, Жиззах политехника институтидан; “Транспорт воситаларини ишлатиш” кафедраси мудири О.Адилов, ўқув-услуги бўлим бошлиғи А.Қўчимов, ТТЙМИдан Қ.Лесов “Темир йўллар қурилиши ва хўжалиғи” кафедраси мудири,

Кун тартиби:

Тошкент автомобиль йўлларини лойihalаш, қуриш ва эксплуатацияси институти томонидан:

310000 - Мухандислик иши, 340000 - Архитектура ва қурилиш, 630000-Экология атроф муҳит муҳофазаси, 610000-Хизматлар соҳаси, 230000-Иқтисод ва 620000 - Транспорт таълим соҳалари бўйича бакалаврият таълим йўналиш ва магистратура мутахассисликларига ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари муҳокамаси

Сўзга чиқди:

А.Рискулов (ТАЙЛҚЭИ) - Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган” 2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларни, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президсинининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 27 июлдаги 3151-сонли Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент автомобиль йўлларини лойihalаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига мувофиқ ишлаб чиқилган бакалавратура таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама этиш учун йиғилдик ва марҳамат фикр-

мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўрайман, ишчи гуруҳ таркибида турдош ОТМ вакиллари ҳам катнашишди.

К.Зияев (ТАЙЛҚЭИ) - Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топширигига биноан олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларидаги фанларни оптималлаштириш ва йириклаштириш ҳисобига фанлар сонини 36 тагача камайтириш тавсия этилган. Шу сабабли, 2018-2019 ўқув йилида бакалавриатура таълим йўналишларининг ўқув режаларидаги I блок фанлар сонини 12 тагача камайтирилди. Умумий фанлар сони 36 тадан ошмайди, ҳафталик юклама 30 соат, мустақил таълим 24 соат қилиб институт йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режалари ва малака талаблари қайтадан тузиб чиқилди. Услубиётчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда юқоридаги мутахассислик бўйича малака талаблар ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Олдинги малака талаблари ва ўқув режалардан фарқи равишда мазкур мутахассислик ўқув режаларида мутахассислик фанлари учун ажратилган юкламалар ҳажми бирмунча кўп. Иккинчидан ушбу масалалар чет эл олий таълим муассасаларида қандай хал этилганлигини ўрганишни давом эттириш керак деб ўйлайман, шу билан бирга кўриб чиқилаётган малака талаблар ва ўқув режалари мазкур мутахассисликлар стандартларига тўлиқ жавоб беради ва уларни тасдиқлашга тавсия этаман.

А.Уроқов (ТАЙЛҚЭИ) - “Автомобиль йўллари, кўприклари, тоннеллар, йўл ўтказгичлар ва аэродромлар” бакалавр таълим йўналиши мутахассислиги малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Давлат автомобиль йўллар Кўмитаси ва ТАҚИ етук мутахассислари билан ҳамкорликда, ҳамда соҳа корхоналари мутахассисларининг фикр ва таклифларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Бундан ташқари ЖизПИ ва турдош кафедра профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда ушбу малака талаблар ва ўқув режалар стандарт талабларга мос келади деган хулосага келинди.

Ч. Раупов (ТТЙМИ) – 5340600 - Транспорт иншоотларини эксплуатацияси таълим йўналишига яратилган малака талаблари ва ўқув режалари ушбу соҳа мутахассисларига қўйилган талабларга жавоб беради, фанларнинг юкламалари “Автомобиль йўллари ва аэродромлар” бакалавр таълим йўналиши мутахассислиги билан интеграллашган, ҳамда ўқув юкламаларини бир-бирига яқинлаштириш ушбу таълим соҳа вакилларини кейинги таълим олиш имкониятларини кенгайтиради, малака амалиётига ажратилган юкламаларни кўпайтирилганлиги битирувчиларнинг савиясини ошишига олиб келади деб, ушбу қарорни маъқуллайман.

А. Қаюмов (ТДТУ) - Мазкур малака талабларидаги бакалаврларга қўйилган талаблар, фанларнинг мазмунида келиб чиқиб ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради, деб ўйлайман. Чунки юкламаси кўпайтирилган ихтисослик фанлари ушбу мутахассисликларининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беради. Ушбу мутахассисликни битирган талабалар олган билимларини ишлаб чиқариш амалиётини кўпайтирилганлиги сабабли уни соҳада кенг қўллаб, амалий ишга тез киришиб кетади ва миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш учун катта ҳисса қўшадилар деган умид билдираман, ҳамда ушбу малака талаблар ва ўқув режаларни кўриб чиқиш учун Мувофиқлаштирувчи кенгашга тавсия қиламан.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Тошкент автомобиль йўллари лойihalаш, қуриш ва эксплуатацияси институти томонидан қайта тайёрланган қуйидаги:

310000 - Мухандислик иши, 340000 - Архитектура ва қурилиш, 630000-Экология ва атроф - муҳит муҳофазаси, 610000-Хизматлар соҳаси, 230000-Иқтисод ва 620000 - Транспорт таълим соҳалари бўйича бакалаврият таълим йўналиш ва магистратура мутахассисликларига ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғига биноан олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларидаги фанларни оптималлаштириш ва йириклаштирилган, ҳамда 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли Қарори меъёрларига қатъий амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилган, ҳамда асосий кадр истеъмолчилари бўлган вазирлик ва идоралар экспертизасидан ўтказилган.

2. Қайга ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларида турдош ОТМларнинг таклиф ва эътирозлари инобатга олинган.

3. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

Мажлис раиси

Котиб



А.Рисқулов

С.Иброхимов

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус касб-хунара таълим йўналишлари
бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг
“Транспорт” ўқув-услубий бирлашмаси мажлисининг
4 – сон БАЁНИ**

6 – июль 2018 йил.

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: проф. А. Рискулов (раис), доц. Ф.Каримова (раис ўринбосари), Г.Юсупова (раис ўринбосари), проф. Ғ.Саматов, доц. А.Тожибоев (котиб), аъзолар: доц. А.Назаров, доц. З. Отақўзиева, доц. И.Сайдумаров, доц. С.Худойберганов ҳамда малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчи кафедра мудирилари: доц. Н.Мўминжонов, доц. Ғ.Убайдуллаев, доц. Т.Ханкелов ва бошқалар.

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик қўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатациясиз институти профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

Эшитилди:

1. Рискулов А.А. – “Транспорт” ўқув-услубий бирлашмаси раиси, профессор Хурматли мажлис қатнашчилари, кун тартибидagi масала бўйича сўзини бирлашма котиби А.А.Тожибоевга берсак. Марҳамат.

2. Тожибоев А.А. – “Транспорт” ўқув услубий бирлашмасининг котиби, доцент. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик қўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни

ижросини таъминлаш мақсадида институтда тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан **қуйидаги 12 та** таълим йўналишлари ва **7 та** магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар истемолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар асосида малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқилди. Бакалавр таълим йўналишларининг ўқув режаларида ҳафталик аудитория юкмаси 30 соат этиб белгиланди ҳамда I ва II блоклар бирлаштирилиб **“Гуманитар ва табиий-илмий фанлар”** блоки деб номланди ва унга 11та фан бириктирилди. Бунинг натижасида “Умумқасбий” ва “Ихтисослик” блок фанларига ажратиладиган юкламалар ҳажми ошди. Барча фанлар сони танлов фанлари билан 36 тага етди.

Таълим йўналишлари:

1. 5313100 - Автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари ва жиҳозларини эксплуатацияси (автомобиль транспорти бўйича);
2. 5313100 - Автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари ва жиҳозларини эксплуатацияси (йўл қурилиш машиналари ва жиҳозлари бўйича);
3. 5313100 - Автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари ва жиҳозларини эксплуатацияси (ихтисослашган транспорт воситалари бўйича);
4. 5620300 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)
5. 5111000 - Касб таълими (5313100-Автомобиль транспорти йўл қурилиш машиналари жиҳозларининг эксплуатацияси);
6. 5310900 - Метрология стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (соҳалар бўйича);
7. 5620400 - Йўл ҳаракатини ташкил этиш;
8. 5630100 -Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
9. 5310600 - Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти бўйича);
10. 5310600 - Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (йўл қурилиш машиналари бўйича);
11. 5620300 - Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти);
12. 5232900 – Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш (автомобиль транспорти бўйича).

Магистратура мутахассисликлари:

1. 5A313101 – Автомобиль транспорти ва йўл қурилиш техникалари эксплуатацияси (автомобиль транспорти бўйича);
2. 5A313101 – Автомобиль транспорти ва йўл қурилиш техникалари эксплуатацияси (йўл қурилиш машиналари ва жиҳозларини бўйича);
3. 5A313101 – Автомобиль транспорти ва йўл қурилиш техникалари эксплуатацияси (ихтисослашган транспорт воситалари бўйича);
4. 5A610101 - Хизматлар соҳаси (автомобиль транспорти бўйича);
5. 5A620301 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти);
6. 5A620102 - Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиш (автомобиль транспорти бўйича)
7. 5A310607 - Автотранспорт воситаларини синаш.

Уларга ишлаб чиқариш ва ИТИларнинг мутахассислари, кадрлар буюрмачилари ва истемолчилари, турдош ТДТУ билан келишув баённомаси олинган.

Сизлардан тайёрланган 12 та таълим йўналишлари ва 7 та магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

Сўзга чиқдилар:

1. Саматов Ғ.А. – бирлашма аъзоси, профессор. ТАЙЛКЭИ таянч бўлган таълим йўналишлари ва мутахассислари бўйича, “Транспорт логистикаси” кафедраси мудири. Ҳурматли бирлашма аъзолари, профессор-ўқитувчиларимиз халқаро тажрибаларни ўрганиб,

ударни тахлил қилиб, Республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболларини, фан, технология ютуқларини ва кадрлар истеъмолчиларининг талабларини инобатга олиб, 12 та таълим йўналишлари ва 7 та магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишчи гуруҳлар ишлаб чиқишди. Шунинг учун ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

2. Назаров А. – бирлашма аъзоси, доцент “Транспорт” ўқув-услубий бирлашмаси раисининг муовини, Ҳурматли бирлашма аъзолари, институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 12 та таълим йўналишлари ва 7 та магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини қўйилган талабларни ўзида тўлиғича аке эттирган ва меъёр талабларига тўлиқ жавоб беради. Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари ва жиҳозларини эксплуатациясида замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий қўникмаларни бажаришга мўлжалланган. Шунинг учун ишлаб чиқилган 12 та таълим йўналишлари ва 7 та магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

3. Рискулов А.А. - бирлашма раиси, профессор. Институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 12 та таълим йўналишлари ва 7 та магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тайёрланган, уларда Республикамиз автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари ва жиҳозларини эксплуатацияси соҳасида рўй бераётган иқтисодий ислохатлар ҳамда халқаро тажрибалар тўлиғича ўз аксини топган деб ўйлайман.

Шунинг учун муҳокамага қўйилган 12 та таълим йўналишлари ва 7 та магистратура мутахассисликларининг Малака талаблари ва ўқув режаларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман.

Йиғилиш қарор қилади:

1. Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатациясиз институти профессор-ўқитувчилари томонидан кадрлар истеъмолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган 12 та таълим йўналишлари ва 7 та магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалари маъқулланди.

2. Хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган 12 та таълим йўналишлари ва 7 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ташкил қилинган ишчи гуруҳ вакиллари томонидан экспертизадан ўтказиш ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш марказига топширилсин.

**Транспорт ўқув-услубий
бирлашма раиси, профессор**

**Ўқув-услубий бирлашма
котиби, доцент**



А.А.Рискулов

А.А.Тожибоев



100000, Toshkent shahar, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 6-uy. Tel.: 234-90-25, faks: 233-34-40

Web-site: www.tshtx.uz, E-mail: info@tshtx.uz, E-xat: tshtx@exat.uz

H/R 20210000300269457001, «O'zsanoatqurilishbank» OATB AB, KOD 00440, STIR 302762364, XXTUT 51600

2018 yil « 20 » Июль 18-16/600 - sonli

2018 yil « _____ » _____ - sonliga

**Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш,
қуриш ва эксплуатацияси институти
ректору О.А.Рискулову**

Хурматли Олимжон Ахмаджанович!

Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти тамонидан “Автомобил транспорти, йўл қурилиш машина ва жихозларининг эксплуатацияси” таълим соҳаси бўйича янги давлат таълим стандартларини, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурларини ишлаб чиқишида “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти қуйдаги таклифларга эътибор беришингизни сўрайди.

Битурувчилар қуйдагиларни пухта ўзлаштириштирган бўлишлари керак:

- Транспорт корхоналарининг ташкилий тизимини;
- Корхоналарда тасарруф этиладиган автотранспорт турларини;
- Ҳаракат таркибини техник тасарруф қилишнинг асосий хусусиятларини;
- Транспорт воситалари ишининг асосий кўрсаткичларини;
- Транспорт корхоналари ишини режалаштириш ва ҳисобга олиш асослари;
- Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни,

қонунчиликни;

- Йўловчи ташиш траснпорти ишини ташкил этишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш кўникмасини;

- Йўловчи ташиш траснпорти ишини ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг хизмат самарадорлигидаги аҳамиятини билиши;

-Чет мамлакатларда ва мамлакатимизда йўл-транспорт ходисаларининг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг таҳлилини ва олдини олиш бўйича чора-тадбирларни;

-Автокорхонанинг тасарруф бўлими ишини ташкил қилиш тартибини автотранспорт воситаларини йўналишларга чиқариш ҳамда хайдовчи ва кондукторларни йўналишларга бириктириш жадвалларини тузиш ва уларни бажарилиши устидан назорат қилиш, ёқилғи-мойлаш маахсулотларини сарфланишининг ҳисобини юритиш, йўловчи ташишни мувофиқлаштириш ва макбул йўналиш тармоғини тузиш, транспорт воситаларини тасарруф этишда замонавий ахборот технологияларини тадбиқ этиш;

-Йўловчи ташишда транспорт воситаларини тасарруф этиш бўйича мавжуд мейёрний-хукукий ҳужжатларни, қонунчиликни;

-Чет мамлакатларда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида йўловчи ташиш транспортини тасарруф этиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни;

-Автобус корхоналари тасарруфидаги автобусларнинг (“Мерседес –Бенц”, “Исузу” “MAN”) конструкцияси, техник кўрсаткичлари, асосий агрегатлари, уларнинг вазифаларини ва ишлаш муддатларни;

-Транспорт корхонанинг ишлаб чиқариш техника бўлими ишини ташкил қилиш тартибини (Транспорт воситаларига сервис хизмат кўрсатиш жадвалларини тузиш ва уларни бажариши устидан назорат қилиш, эҳтиёт қисимлар, автошина, акумляторларнинг олинishi ва сарфланишининг ҳисобини юритиш, автотранспорт воситаларини тасарруфга тушириш, ҳисобдан чиқариш ва ЙХХБда ҳисобга қўйиш ва чиқариш тартиби, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни тадбиқ қилиш, рационализация ишларини ташкил этилиши).

-Транспорт воситаларига сервис хизмат қорсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш ва уларнинг регламенти, сервис марказларидан автотранспорт воситаларини қабул қилишдаги талабларни;

-Транспорт корхоналарида меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги ишларини ташкил этиш;

-Транспорт корхоналарида экология масалалари бўйича ишларни ташкил этиш;

-Транспорт корхоналарида ишлаб чиқариш ва автотаъмирлаш участкалари ишини ташкил этиш;

-Транспорт воситаларини йўналишларда ҳаракатни замонавий ахборот технологиялари навигация жиҳозлари орқали назорат этишни ташкиллаштиришни;

-Транспорт корхоналарида навбатчи механиклар ишини ташкил этишни (автотранспорт воситаларини йўналишга чиқариш ва қабул қилишда уларнинг техник ҳолатини текшириш тартиби, йўналишга чиқиш ва қайтиш ҳисоби ва расмийлаштириши, ҳужжатларнинг олиб борилиши ва керакли асбоб-ускуналар рўйхати ва улардан фойдаланишни).

-Транспорт корхоналарида техник хизмат бўлими ишини гараж-технологик жиҳозларини тасарруф этишни (диагностик асбоблар, технологик ускуна ва дастгоҳларнинг режавий тамирлаш, модернизациялаш ва янгилаш, транспорт корхона инфраструктураси-электр, газ, сув, иссиқлик хўжалиги талаб даражасида сақланиши ҳамда энергия ресурсларидан сақланиши, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиши) ва улардан фойдаланишдаги талабларни бажариш.

Шу билан бир қаторда битурувчилар билимини мустаҳкамлаш мақсадида:

-ўқувчилар билан кўпроқ амалиёт машғулотларини ташкил этиш ва амалиёт жараёнида корхонадаги транспорт воситаларининг, хусусан автобусларнинг конструктив тузилишини ва тасарруф этиш қоидаларини чуқурроқ ўргатиш;

-талабаларни ўзига талабчан, фидойий ўз устида доимий ишлайдиган, соҳада жорий этиладиган замонавий технологияларга қузатувчан руҳда тайёрлаш;

-автобусларга сервис хизмати қўсатиладиган корхоналар ҳудудларида ҳам институтнинг кичик лаборатория базаларини яратиш тақлифларини берамиз.

Бошқарув раиси



А.З.Джураев

**5620100 -Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль
транспорти) бакалаврият таълим йўналишининг малака
талаблари ва ўқув режасига**

ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарорлари ҳамда ҳозирги замон талабларига мос равишда такомиллаштирилган 5620100-Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси замонавий, етук ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутаети.

Малака талаблари уч бўлимдан иборат бўлиб, унда керакли бакалаврат таълим йўналишининг умумий таснифи, тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар ҳамда йўналишнинг ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар бўйича керакли маълумотлар келтирилган.

Ушбу таълим йўналиши ўқув режаси "Гуманитар ва табиий-илмий", "Умумқасбий", "Ихтисослик" ва "Қўшимча" фанлар блокидан иборат бўлиб, унда 36 та фан келтирилган.

Таъкидлаш керакки, фанларнинг ўқув семестрлар бўйича ўқитишнинг кетма-кетлиги ва узвийлиги таъминланган.

Ўқув режадаги ихтисослик фанларига берилган юктамалар 23 фойздан юқори бўлиб, олдинги ўқув режаларга нисбатан кўп берилган, бу ўз навбатида ихтисослик фанларини чуқур ўзлаштиришга олиб келади деб ҳисоблайман.

Таълим йўналишининг малака талабларида ўқув режадаги фанлар бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйилган талаблар ҳамда фанлар мазмуни ва компонентлари келтирилмаган.

5620100-Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият кадрлар тайёрлаш учун тузилган малака талаблари ва ўқув режаси таркиб ва мазмун жиҳатидан ҳамда бошқа барча талабларга жавоб беради ва тегишли йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрлашда меъёрий ҳужжатлар сифатида тасдиқлаш ва қўллаш учун тавсия қиламан.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ “Йўловчиларни ташишни мувофиқлаштириш ва йўналишлар тармогини оптималлаштириш” бўлими бошлиғи

Н.Давлатов
АСЛИГА ТЎҒРИ

5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалавр йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талабларига тушунтириш хати

5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талабларини ишлаб чиқишда қуйидаги метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари тўғрисида"ги 343-сонли қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-1533-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги 281-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори".

13. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғида берилган "Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури".

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги 66-сонли буйруғи ҳамда 2016 йил 1 мартдаги 89-сонли буйруғи.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПК-2909-сонли Олий таълимни ривожлантириш тўғрисидаги Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг малакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПК-3769-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги ПК-3769-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПК-3151- сонли Олий таълим ўқув режаларини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент автомобиль йўлларини лойihalаш, қуриш ва эксплуатация институтида ишчи гуруҳ томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси ишлаб чиқилган.

5620100 – ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари "Қадрлар тайёрлаш

миллий дастури"нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган Президент, Вазирлар Маққамасининг қарор-фармонларини муқаммал амалга оширишга қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юқсак касбий малакавий қўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юқламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

5620100 – Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққитининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютиқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

**Тошкент автомобиль йўлларини дойиҳалаш,
қуриш ва эксплуатацияси институтининг
ишлари бўйича проректор**



К.Зияев

**5620100- Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)
бакалаврият давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим стандартлари
билан қиёсий таққослаш**

Бакалавр таълим жараёнинг умумий қўрастқичлари

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси (бакалавр)	Германия (бакалаврият)	Польша (бакалаврият)
1.	Бошланиши	Академик лицей ва касб-хунар коллежларидан сўнг	Академик лицей ва касб-хунар коллежларидан сўнг	Академик лицей ва касб-хунар коллежларидан сўнг
2.	Давомийлиги	4 йил	4 йил	4 йил
3.	Таълим олувчилар сони	90	75 ва ундан ортиқ	75 ва ундан ортиқ
4.	Ўтиш жойлари	Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институти, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, транспорт-логистик компаниялар	Университет қошидаги транспорт, менежмент ва транспорт администрация факултетлари	Университет қошидаги транспорт, халқаро логистика ва бизнес администрация факултетлари
5.	Таълим берувчилар	Автомобиль транспорти эксплуатацияси бўйича илмий даражага эга бўлган фан доктори, доценти ёки фан номзоди ҳамда илмий даражага эга бўлмаган катта ўқитувчи ва ассистентлар, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, транспорт-логистик компанияларнинг тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар, амалий қўникмаларни ўргатиш бўйича тор доирадаги мутахассислар	Университет қошидаги транспорт, менежмент ва транспорт администрация факултетлари профессор ўқитувчилари	Университет қошидаги транспорт, халқаро логистика ва бизнес администрация факултетлари профессор ўқитувчилари
6.	Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш	Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Факултет деканати, тайёрлаш кафедраси мудир, таълим берувчи профессор-ўқитувчилар	Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Бакалавриатура ва докторантура бўлими профессор-ўқитувчилар	Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Бакалавриатура бўлими профессор ўқитувчилари

Бакалавр таълим жараёнинг таркиби

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Германия	Польша
1.	Назарий таълим	Асосий қисми аудитория (маъруза, амалий, лаборатория, курс лойиха иши) ва мустақил таълим кўринишида асосий базада - Тошкент автомобил-йўллар институтида, қисман амалиёт ўтиладиган ташкилотларда ўтказилади	Асосан лекция ва семинар дарслари, ҳамда кичик конференциялар кўринишида ўтказилади	Асосий қисми транспорт ва халқаро логистика факультетида маъруза курслари кўринишида ўтказилади.
2.	Амалий таълим	Ўқув дастурида кўрсатилган ротациялар кўринишида Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тасаруфидаги корхоналарда, транспорт-логистик компанияларда амалга оширилади.	Ўқув дастурида кўрсатилган циклар кўринишида асосий кампусида ва унинг филиалларида амалга оширилади.	Университет қошидаги транспорт муассасалари, кафедралари ва бошқа чет давлат кампусларида циклар кўринишида амалга оширилади.
3.	Илмий – тадқиқот ишлари	Бакалавриатурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув ишини асосан Тошкент автомобил-йўллар институтида амалга оширади. Кафедранинг профессор-ўқитувчилари ва Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, транспорт-логистик компанияларнинг таърибига эга бўлган юқори малакали мутахассислари битирув иши раҳбар этиб тайинланади. Битирув ишини бажариш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шугулланишлари мумкин.	Бакалавриатура талабалари ўқиш жараёнида илмий иш мавзуси кейинги босқичда магистерлик илмий ишига асос сифатида танланади ва мустақил илмий изланиш кўринишида амалга оширилади.	Талабанинг мустақил илмий-иши мавзуси кафедра илмий проекти таркибига киритилган бўлади ва университетнинг профессор-ўқитувчилари раҳбарлик қилади.
4.	Мустақил таълим	Бакалаврларнинг мустақил иши ўқув режасидаги муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, билимларни мустақил ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш ва замонавий ахборот манбаларидан самарали фойдаланишга йўналтирилади.	Бакалаврлар ўқув ва компьютер залларида барча шарт-шароитлардан унумли фойдаланишлари мумкин.	Бакалавриатура талабалари университет қошидаги транспорт кафедраларида барча шарт шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин.
5.	Таълим	Бакалаврларнинг назарий ва	Бакалаврларнинг назарий	Бакалаврларнинг жорий

жараёнида баҳолаш	амалий кўникмалари бўйича билимларини баҳолаш бакалавр рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ, якуний баҳо кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат аттестацияси саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади.	билимлари тест саволлари орқали баҳоланади. Амалий кўникмалари ҳар ойда ва ярим йилликда цикл давомида кузатиш, ҳамда мустақил намойиш этиш орқали баҳоланади. Якуний давлат имтиҳон ёзма тест кўринишида амалга оширилади.	билими, компетенцияси ва ўзлаштириши оралиқ тест саволлари орқали, билимларни даврий оғзаки кўринишида текшириш, цикллар бўйича ҳар ярим йилда ёзма тест кўринишида амалга оширилади.
-------------------	---	---	---

Бакалавр таълим жараёнини мазмуни ва давомийлиги

Ўзбекистон Республикаси	Муддати	Германия	Муддати	Австрия	Муддати
Психология	122	Лойихалаштириш техникаси	120	Мухандислик графикаси	120
Мухандислик ва компьютер графикаси	278	Техник механика	120	Замонавий механик материаллар	120
Материалшунослик	140	Мухандислик логистикаси	120	Техника ва термодинамика	120
Хаёт фаолияти хавфсизлиги	154	Ишлаб чиқариш ва техник логистика	120	Техник механика	120
Транспорт умумий курси	174	Материаллар қаршилиги	120	Кинематика, динамика, тебраниш	120
Транспорт тизимининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари	262	Эҳтимолар назарияси	120	Статистика	120
Логистика	310	Эргономика	120	Ишлаб чиқариш менежменти	156
Соҳа менежменти ва маркетинги	248	Машиналарнинг тузилмавий қисми	156	Механизмлар унсурлари	156
Транспорт воситалари тузилиши ва назарияси ва автомобиллар техник эксплуатацияси	340	Персоналлари бошқариш	216	Инсон ресурслари менежменти	156
Божхона иши	152	Транспорт воситалари ҳаракати назарияси	216	Мухандислик иктисодиёти	156
Интеллектуал транспорт тизимлари	152	Бошқарув жараёнини ўрганиш	156	Бошқарувни ташкиллаштиришни ўрганиш	156
Автомобиль транспорти корхоналари иктисодиёти	120	Етказиб бериш занжирларида бошқариш	156	Замонавий транспорт технологиялари	156
Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари	116	Автотранспорт воситалари ҳаракат хавфсизлиги	120	Сифат бўйича менежмент	156
Автомобиль транспортда юкларни ташиш	316	Транспорт логистикаси	120	Касбий хавфсизлик ва саломатлик	156
Йўловчиларни ташишнинг замонавий технологиялари	256	Транспорт тизимлари	156	Етказиб бериш занжирлари логистикаси ва бошқаруви	156
Мультимодал ташувлар технологияси	348	Транспортни бошқариш ва бизнесни ташкил этиш	156	Транспорт фаолиятини мувофиқлаштириш	156
Замонавий логистик технологиялар	256	Юк ва йўловчи ташиш технологияси	156	Ташиш воситалари ва техник кузатув	156
Халқаро логистик хизматлар тизими	188	Мультимодал ва интермодал ташишлар	156	Автомобиль йўлларидан тижорий фойдаланиш	156

Изох:

Транспорт логистикаси таълим йўналиши ҳозирги кунда жуда долзарб йўналиш бўлиб, нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки бошқа Европа, Америка, Осиё, МДХ давлатларида ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси тизимида ҳам доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукаммаллаштиришни талаб қилмоқда. Юқорида келтирилган маълумотларга асосан шунини айтиш мумкинки, автомобиль транспортининг ривожланиши, транспорт-логистик компанияларнинг, логистик марказларнинг Ўзбекистон Республикасида ташкил этилиши яратилаётган “Транспорт логистикаси” таълим йўналиши давлат таълим стандарти жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

“Йўл қурилиши машиналари ва автомобиль
транспорти эксплуатацияси” факультети декани

“Транспорт логистикаси” кафедраси мудири,
и.ф.д., профессор

